

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.I.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ СОҲАСИ ИҚТИСОДИЁТИ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**КУЧАРОВ ЖАҲОНГИР ОВЛАЯРОВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ  
ШАРОИТИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автороферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Кучаров Жаҳонгир Овляярович**

Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш шароитида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш йўллари .....3

**Кучаров Жаҳонгир Овляярович**

Пути совершенствования системы подготовки кадров в условиях инновационного развития сельского хозяйства .....25

**Kucharov Jahongir Ovlayarovich**

Increasing the efficiency of personnel providing and training system in the innovative development of agriculture .....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works .....51**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.I.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ СОҲАСИ ИҚТИСОДИЁТИ ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**КУЧАРОВ ЖАҲОНГИР ОВЛАЯРОВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ  
ШАРОИТИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Iqt659 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Чариев Қурбон Амирович,**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Эгамбердиев Фармонқул Турсунқулович,**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Махсумханова Азиза Мукадировна,**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.I.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ў.П.Умурзаков,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Б.Ф.Султанов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

**Н.С.Хушматов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда инсон омили ва капитали, қобилияти ва салоҳиятидан инновациялар жорий қилиш асосида самарали фойдаланиш рақамли бошқарув тизими ва ахборот-коммуникация воситалари шаклланаётган бугунги кунда, айниқса истиқболда, умумжамият, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини белгиловчи, ҳал қилувчи ҳамда ишлаб чиқариш кучларининг асосий ўзаги сифатида муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда иқтисодиётнинг глобаллашув тенденцияси ва аҳоли сонининг кўпайиши оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни қондириш, бир томондан, инновациялар, замонавий мураккаб компьютерлашган дастурлар ва техника-технологиялар жорий қилиш асосида маҳсулот сифати ва меҳнат унумдорлигини оширишни тақозо этса, иккинчи томондан, шу жараён ва талабларга жавоб берадиган юқори малакали, айниқса, олий маълумотли малакали кадрлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалигини малакали кадрлар билан таъминлашга қаратилган бир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, Иқтисодий Ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти маълумотида кўра, «25-34 ёшли аҳоли ўртасида олий маълумотлилар улуши Корея Республикасида 69,6 фоиз, Канадада 61,8 фоиз, Японияда 60,7 фоиз, Ирландияда 56,2 фоиз, Литвада 55,6 фоиз, Швецарияда 51,2 фоиз, Буюк Британияда 50,8 фоиз, АҚШда 49,4 фоиз, Франция 46,9 фоизни ташкил этади»<sup>1</sup>. Жаҳон банки маълумотларига кўра, генетика фанининг ривожланиши натижасида 2030 йилга бориб қишлоқ хўжалиги олдида нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, балки маҳсулотларнинг органик сифатини таъминлаш, табиий ҳолатини сақлаш ҳам долзарб масалага айланади. Бунга эришиш учун эса соҳани малакали мутахассислар билан таъминлаш зарур. Демак, қишлоқ хўжалигини малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш вазифасига нафақат бандлик, балки, органик экологик тоза маҳсулот етиштириш, экинлар миллий генофондини сақлаш каби масалалар ечими учун ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги ва унинг турли тармоқлари учун малакали мутахассислар ва олий маълумотли кадрлар тайёрлаш ва таъминоти тизимининг ташкилий-иқтисодий асослари ишлаб чиқилган бўлиб, кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилган ҳолда муайян натижаларга эришилмоқда. Аммо, амалиётда кадрлар кўнимсизлиги, объектив ва субъектив (инсон омилига боғлиқ) сабаблар туфайли фан-таълим-амалиёт интеграциясида узилишлар пайдо бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва

<sup>1</sup> Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти.(OECD) <https://data.oecd.org/chart/5Hc6>

малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур.....<sup>2</sup>”. Бу вазифа кўп тармоқли ва ихтисослик талаб қиладиган қишлоқ хўжалигида юқори малакали ва, шу жумладан, олий маълумотли мутахассис кадрлар тайёрлаш ва таъминоти масаласига комплекс ёндашувни, жумладан, илм – фан – таълим – ишлаб чиқариш интеграциясини рағбатлантиришнинг замонавий усулларидадан фойдаланиш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон фармонлари, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сон, 2020 йил 30 июлдаги “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4795-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қишлоқ хўжалигида малакали кадрлар тайёрлаш ва таъминоти тизимини ривожлантириш, соҳага бозор муносабатларини жорий этиш талабларига жавоб берадиган мутахассис ва олий маълумотли кадрлар сонини кўпайтириш, таълим беришнинг замонавий усуллари ташкил қилиш масалалари бўйича назарий-амалий аҳамиятга эга тавсиялар В.В.Ухоботов, Е.А.Левченко, В.В.Пчёлкина, А.В.Продивлянова, Т.В.Елисеева, Т.А.Потенко, Н.И.Прока, Л.М.Назарчук, А.Н.Чекавинский<sup>3</sup> каби МДХ мамлакатлари ва бошқа қатор хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Республикада эса олий таълим, хусусан қишлоқ хўжалигида кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш борасида У.Умурзаков, Қ.Чориев,

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25 январь 2020 йил. <https://uza.uz>

<sup>3</sup> В.В.Ухоботов Рабочие кадры сельского хозяйства и их воспроизводство. Нива Поволжья. №2(11) май 2009; Е.А.Левченко. Регулирование рынка труда управленческих кадров сельского хозяйства. Вестник курской государственной сельскохозяйственной академии. №1., 2009 г. 18-стр.; В.В.Пчёлкина. Стратегия подготовки кадров для сельского хозяйства. Вестник Чувашского университета. – 2005 г.; А.В.Продивлянова. Система подготовки кадров для сельского хозяйства. Известия Оренбургского государственного аграрного университета; Т.В.Елисеева. Мотивация привлечения квалифицированных кадров в сельское хозяйство. Экономика и управление. №4 (30) 2007 г., 83-стр.; Т.А.Потенко. Кадров важнейший фактор инновационного развития сельского хозяйства. «Прочие сельскохозяйственные науки»; Н.И.Прока. Влияние агропродовольственного рынка на формирование кадров в сельском хозяйстве. Вестник ОрелГАУ. № 6'(09), 2015 год., 9-стр.; Л.М.Назарчук. Совершенствование системы подготовки кадров для сельского хозяйства. ВЕСТНИК ГГТУ ИМ. П.О.СУХОГО № 3-4 , 2001 год. 61-стр.; А.Н.Чекавинский. Подготовка и закрепление кадров в сельском хозяйстве: проблемы и решения. Молочнохозяйственный вестник, №3 (23), III кв. 2016. 134-стр.

Т.Фармонов, Н.Хушматов, А.Мухторов, Ҳ.Турабоева, О.Қаххоров, М.Аминова, Д.Худайбергенов, Ж.Йўлдошев, А.Махмудов, Ш.Расулов, Д.Рахмонов, А.Пўлатов<sup>4</sup> каби қатор аграр иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари эътиборга молик.

Бироқ, юқорида қайд этилган олимлар ишларида кадрлар тайёрлаш тизими самарадорлигини ошириш муаммолари алоҳида тадқиқот предмети сифатида комплекс тарзда чуқур ўрганилмаган. Ундан ташқари, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ янги ташкилий-иқтисодий механизмлар жорий қилинаётган, янги технологик ечимлар пайдо бўлаётган ҳозирги ривожланиш даврида қишлоқ хўжалиги мутахассис кадрлари олдига қўйилаётган талаблар ўзгармоқда. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришда эркин бозор муносабатлари қарор топаётган, кластер ва кооперативлар ривожланиб бораётган бугунги ташкилий-иқтисодий ислохотлар ҳам кадрлар тайёрлаш тизими олдида тубдан янги вазифаларни қўймоқда. Шу боисдан, замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш асосида қишлоқ хўжалиги тармоғининг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш зарурати мазкур муаммони диссертация мавзуси сифатида танлашга асос бўлди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтининг ҚХФ-2-019-2015 рақамли “Қишлоқ хўжалигида малакали кадрлар таъминоти ва уларни тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қишлоқ хўжалигида малакали кадрлар тайёрлаш ва таъминоти тизимини ривожлантириш ва рағбатлантириш бўйича илмий-услубий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

---

<sup>4</sup> Чориев К.А., Тўхлиев Б. Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантиришнинг асосий муаммо ва ечимлари// Журнал «Агроиқтисодиёт», №2, 2018 й.; Умурзоқов У.П. Аграр ресурсларни баҳолаш асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш харажатларини муқобиллаштириш. Пахтачилик ва дончилик. –Т., 1998. – №2. 5-8 б.; Фармонов Т.Х. Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари: иқт. фан. док. ... дисс. – Т., 2006 й., – 83-85-б.; Хушматов Н.С., Т.Файзуллаева. Чорвачиликни ривожлантиришни иқтисодий мувофиқлаштириш омиллари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. // Ж. – Т., № 7. 2012. – Б. 43-44.; Турабоева Ҳ. Билимлар иқтисодиёти шароитида олий даражада иқтисодчи кадрларни тайёрлаш ва уни молиялашни такомиллаштириш. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2018 йил; Qahhorov O. Oliy ta’lim tizimida iqtisodchi kadrlar tayyorlash va boshqaruv jarayoniga ta’sir etuvchi omillar. // “Biznes-ekspert” jurnali. 2017 yil №2. – 68 b.; Aminova M., Xudayberganov D. Turizm sohasida raqobatbardosh kadrlar tayyorlash masalalari. // “Turizm infratuzilmasini rivojlantirishning metodologik, uslubiy asoslarini takomillashtirish” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari. - Samarqand, 23-24 aprel. 2014 yil. - 498 b.; Йўлдошев Ж.Т. Кадрлар тайёрлаш тизимини молиялаштириш жараёнида тадбиркорлик маблағларининг ўрни// Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнал. №3. 2012 й.; Махмудов А.А. Олий таълим муассасаларида молиялаштириш тизимини бошқаришнинг халқаро амалиёти// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2015 йил; Расулов Ш.А. Олий таълимда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2015 йил; Рахмонов Д., Пўлатов А. Ўзбекистонда олий таълим муассасаларини молиялаштиришни илғор тажрибалар асосида такомиллаштириш //http://www.bfajournals.uz. 6-сон январь, 2017.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантиришда малакали кадрлар тайёрлашнинг моҳияти, зарурияти ва унга таъсир этувчи омилларни илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш;

қишлоқ хўжалигида мутахассисликлар бўйича юқори малакали ва олий маълумотли кадрларга талаб ва улар фаолияти самарадорлигини аниқлашнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш;

хорижий давлатларда қишлоқ хўжалиги учун малакали мутахассислар ва олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий тажрибаларини мамлакатимизда қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

республикамиз қишлоқ хўжалигида олий маълумотли малакали кадрлар билан таъминлаш тизимининг бугунги ҳолати таҳлили асосида хулосалар ишлаб чиқиш;

аграр соҳада малакали кадрлар тайёрлаш тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмларини такомиллаштиришга оид амалий таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;

қишлоқ хўжалигида кадрлар таъминоти тизимининг ташкилий-таркибий асосларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

янги ишлаб чиқариш технологиялари ва бошқарув шакллариининг жорий этилиши ва ривожланиши шароитида қишлоқ хўжалигида кадрларга бўлган талаб ўзгаришининг 2025 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичларини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида республикамизда фаолият юритаётган олий таълим муассасалари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари танлаб олинган. Монографик тадқиқотлар Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги корхоналари мисолида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни қишлоқ хўжалигини малакали кадрлар билан таъминлашга оид ташкилий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида иқтисодий-статистик таҳлил, таққослаш, абстракт фикрлаш, монографик кузатиш, эксперт баҳолаш ва эконометрик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигида талаб этиладиган кадрлар сони меъёрларини аниқлаш услуги меҳнатнинг интенсивлиги, меҳнат унумдорлиги ва меҳнат тежамкор технологиялардан фойдаланиш кўламини ҳисобга олувчи тўғриловчи коэффициентлар орқали такомиллаштирилган;

қишлоқ хўжалигида малакали кадрларни тайёрлаш, фан-таълим ва амалиёт интеграциясини таъминлашни давлат томонидан солиқ, молия ва кредит дастаклари ҳамда аутстафтинг хизматларини ривожлантириш орқали рағбатлантириш йўллари асосланган;

аграр таълим муассасаларига янги таълим шакли ва усулларини самарали жорий этиш мақсадида “Қишлоқ хўжалигида замонавий таълим шакллари синаш ва жорий этиш маркази”ни ташкил этиш ва уни молиялаштириш усуллари таклиф этилган;



Қашқадарё вилоятида янги ишлаб чиқариш ва бошқарув шаклларининг жорий этилиши шароитида қишлоқ хўжалигида малакали мутахассис кадрларга бўлган талаб ўзгаришининг 2025 йилгача бўлган прогнози ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигида юқори малакали кадрларни тайёрлаш босқичлари, ўзига хос хусусиятлари ва қишлоқ хўжалигида юқори малакали кадрларни тайёрлашга таъсир этувчи омиллар тизимлаштирилган;

ривожланган давлатларда аграр тармоқ учун кадрлар тайёрлаш тизими таҳлил этилган ҳолда эришилган ижобий натижаларни мамлакатимизда қўллаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

аграр олий таълим муассасаларида талабалар билим ва малакаларини ошириш, уларни илм-фан соҳасидаги энг сўнги ютуқлар ва зарур ахборотлар билан таъминлаш, янги таълим шакли ва усулларини самарали жорий этиш босқичлари, афзалликлари ва молиялаштириш бўйича амалий тавсиялар тайёрланган;

янги технологик ишлаб чиқариш усуллари ва бошқарув шаклларининг ривожланиши шароитида кадрларга бўлган талаб ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг ўзаро корреляцион боғлиқлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотлар жараёнида олинган натижаларнинг ишончлилиги мақсадли ва манзилли фойдаланилган методик ёндашув ва усулларнинг асосланганлиги, фойдаланилган статистик маълумотларнинг расмий манбалар, монографик кузатув натижалари асосида олинганлиги, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва инновацион ривожлантириш жараёнларида инсон капитали ва омилининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, уларга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, малакали кадрлар тайёрлашда инсоннинг когнитив қобилияти, яъни унинг воқеълик, ҳодиса, нарсалар ва ахборотларни қабул қилиш, таҳлил қилиш, қарор чиқариш, унинг натижасини аввалроқ тасаввур қилиш ва уни амалиётга тадбиқ эта олиш жиҳатларини илмий-назарий тадқиқ этиш ҳамда малакали кадрларнинг хўжалик юритиш субъектлари фаолиятида ишлаб чиқариш ва бошқариш самарадорлигига таъсирини услубий баҳолаш имкониятларини яратишда ўз ифодасини топади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқлари учун юқори малакали мутахассислар, олий маълумотли кадрлар тайёрлаш ва таъминоти тизимини ривожлантириш Концепциялари, давлат Дастурлари, ҳукумат қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда ҳамда аграр соҳа олий таълим муассасалари, қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослашган касб-ҳунар коллежлари ва техникумларда ўқитиш жараёнларида ҳамда ўқув дастурлари ва қўлланмаларини тайёрлашда фойдаланиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қишлоқ хўжалигини малакали кадрлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

қишлоқ хўжалигида турли ихтисосликлар бўйича талаб қилинадиган кадрлар сони меъёрларини меҳнат интенсивлиги, унумдорлиги ва тежамкор восита ва технологиялардан фойдаланиш кўламини ҳисобга олувчи тўғриловчи коэффициентлар орқали аниқлаш юзасидан берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 24 декабрдаги 01/00-04/06-12112-сон маълумотномаси). Бу қишлоқ хўжалигида турли ихтисосликлар бўйича талаб қилинадиган кадрлар сони меъёрларини аниқлашда аниқлик даражасининг ошишига хизмат қилади.

қишлоқ хўжалигида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва таъминоти тизимини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш йўналишлари ва уни амалга оширишнинг иқтисодий механизмлари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 24 декабрдаги 01/00-04/06-12112-сон маълумотномаси). Бу тавсиялар аграр таълим йўналишларида ўзаро боғлиқ ва манфаатдорликка асосланган кооперация муносабатлари самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи корхоналар ва бошқарув органларини малакали мутахассис ва олий маълумотли кадрлар билан таъминлашда илм-фан-амалиёт интеграциясини ривожлантиришга хизмат қилади;

аграр тармоқлар учун зарур ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш, мутахассисларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, илмий-тадқиқот натижаларини жорий этиш, тижоратлаштириш ҳамда соҳага оид замонавий тажрибаларни кенг тарғиб этишга қаратилган марказларни ташкил этиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 24 декабрдаги 01/00-04/06-12112-сон маълумотномаси). Бу истиқболда илм-фан-амалиёт интеграциялашувини таъминлаши ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини 20-25 фоиз оширишга замин яратади;

қишлоқ хўжалигининг ривожланиш динамикаси ва ҳудудларнинг аграр салоҳияти, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг техник-технологик имкониятларини инобатга олган ҳолда тегишли мутахассис кадрлар билан таъминланиш даражасини, истиқболда улар сони ўзгаришини башоратлаш юзасидан ишлаб чиқилган услубий-амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 24 декабрдаги 01/00-04/06-12112-сон

маълумотномаси). Натижада қишлоқ хўжалиги меҳнат бозори конъюнктураси ўзгаришини инобатга олиш, хўжалик юритиш субъектлари, ташкилот ва бошқарув органларини малакали кадрлар билан меъёр даражасида таъминлаш, ўз навбатида қишлоқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини 15-20 фоиз ошириш имкониятини яратади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишида олинган натижалар 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган ва ижобий баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот натижалари 11 та илмий мақола, 7 та илмий-амалий конференция тезислари орқали эълон қилинган. Жумладан, хорижий илмий нашрларда 1 та илмий мақола, хорижий илмий-амалий конференцияларда 2 та тезислар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 143 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Диссертация ишининг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, уларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигида малакали кадрлар тайёрлаш ва таъминоти тизимининг илмий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда малакали кадрлар билан таъминлаш зарурати асосланган, тармоқни малакали кадрлар билан таъминлашга таъсир этувчи омиллар тадқиқ этилган, қишлоқ хўжалигида кадрларга бўлган талабни аниқлашда илмий-услубий ёндашувлар тавсия этилган, қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантириш учун малакали кадрлар тайёрлаш бўйича хорижий мамлакатларнинг тажрибалари таҳлил қилинган ва уларнинг аҳамиятли жиҳатларини мамлакатимизда татбиқ этиш йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Маълумки, турли техноген таъсирлар, пандемия каби кутилмаган ҳолатлар натижасида глобал миқёсда ҳар бир мамлакат учун озиқ-овқат хавфсизлиги долзарблашиб бормоқда. Географик чегараларнинг маълум муддат ёпилиши эса қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш масаласини ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда ҳал этишни кун тартибига олиб чиқмоқда. Буни эса табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда илмий салоҳиятли кадрларнинг билим ва кўникмаларидан фойдаланган ҳолда ҳал этиш мумкин. Мамлакатимиз шароитида қишлоқ хўжалигини олий малакали кадрлар билан таъминлаш заруриятини келтириб чиқарувчи ҳолатларни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин.

Жумладан, илм-фан ютуқлари ва тажрибани импорт қилиш орқали илмий-техник қарамлик юзага келишининг олдини олиш, янги хўжалик юритиш шакллارининг жорий этилиши натижасида кадрларга бўлган талаб ўзгариши, маҳсулот (товар, хизмат) экспорти салоҳиятининг ортиши натижасида халқаро бозорга мослашиш, маҳсулот етиштириш жараёнига замонавий инновацион техника ва технологияларнинг кириб келиши, иқлим ўзгаришлари натижасида аграр тармоқни унга мослаштириш зарурияти, экологик таъсир натижасида янги касалликлар ва зараркунандаларнинг кириб келиши, фойдаланиладиган ресурсларнинг миқдор жиҳатидан камайиб бориши, илм-фан ривожланиши натижасида органик маҳсулотга бўлган талабнинг ортиши ва бошқалар.


Шу билан биргаликда, қишлоқ хўжалигини олий маълумотли кадрлар ва малакали мутахассислар билан таъминлашга таъсир кўрсатувчи бир қанча омиллар ҳам мавжуд бўлиб, уларни ташкилий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда ҳуқуқий омиллар каби гуруҳларга ажратган ҳолда ўрганиш мумкин. Бугунги кунда республикаимиз олий таълим тизимида қишлоқ хўжалиги учун малакали кадрлар тайёрловчи 1 та университет ҳамда 4 та институт мавжуд бўлиб, уларнинг ҳудудларда 6 та филиаллари фаолият кўрсатмоқда (1-расм).



**1-расм. Қишлоқ хўжалигини кадрлар билан таъминловчи олий ва ўрта махсус таълим тизими муассасалари<sup>5</sup>**

<sup>5</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Хусусан, бугунги кунда Тошкент Давлат аграр университетининг Термиз ва Самарқанд, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Бухоро ва Қарши, Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Нукус ва Тошкент филиаллари мавжуд. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан бири сифатида малакали ва билимли кадрларга доим эҳтиёж сезадиган тармоқ саналгани боис, ҳам республика кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш жараёнида тармоқ учун малакали кадрлар тайёрлаш тизими бир неча босқичларни босиб ўтди. Тадқиқотлар давомида аграр тармоқ учун кадрлар тайёрлаш тизимини шартли равишда 3 та босқичга ажратган ҳолда тадқиқ этилди.



2-расм. Қишлоқ хўжалигида меҳнат меъёрлари ўзгаришини ҳисобга олишда услубий ёндашув асослари<sup>6</sup>

<sup>6</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат интенсивлиги ва унумдорлигининг ошиши, шунингдек, инновацион меҳнат тежамкор ҳамда рақамли технологиялардан фойдаланиш кўламининг ортиши ҳисобига қишлоқ хўжалиги учун белгиланган мавжуд малакали ва малакасиз ходимлар сони меъёрларига нисбатан тўғрилаш коэффициентларини қўллаш ва бунинг учун қуйидаги ёндашув тавсия этилади:

а) қишлоқ хўжалигида мавжуд малакали ва малакасиз ходимлар сони меъёрлари асос сифатида қабул қилинади; б) қишлоқ хўжалигида банд бўлган жами ходимлар таркибида малакасиз ходимлар меҳнати салмоғининг камайиб бориши; в) қишлоқ хўжалиги тармоқларида меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ва г) насли ва юқори маҳсулдор чорва моллари салмоғи ортиши ҳисобига меҳнат унумдорлигининг ошиши эътиборга олинади.

Диссертация ишида ушбу услубий ёндашувлар ва шартлар асосида қишлоқ хўжалиги тармоқлари (ўсимликчилик ва чорвачилик) учун талаб этиладиган малакали мутахассис ва ишчилар сони меъёрлари коэффициентларини ( $У_{ТК}$ ) қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш тавсия этилган:

$$У_{ТК} = (ММ_y \times УБТ_к) + (МС_y \times УБС_к) , \quad (1)$$

бу ерда  $ММ_y$  – мавжуд меъёрлар бўйича ўсимчилик ёки чорвачилик тармоғи учун талаб этиладиган малакали мутахассислар сони, киши;

$МС_y$  – мавжуд меъёрлар бўйича ўсимчилик ёки чорвачилик тармоғи учун талаб этиладиган малакасиз иш кучи (ишчилар) сони, киши;

$УБТ_к$  ва  $УБС_к$  – ўсимликчилик ёки чорвачилик тармоғи учун талаб этиладиган мос равишда малакали ва малакасиз ходимлар сонини тўғриловчи коэффициентлар.

Тўғриловчи коэффициентларни аниқлашда тегишли хўжалик юритувчи субъектлар кесимида ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда меҳнат унумдорлигининг ўзгариш нисбатлари ҳисобга олинishi лозим. Бунда малакали мутахассислар (олий маълумотли мутахассис) ва малакасиз ходимлар (ишчилар) бўйича тегишли алоҳида ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади. Масалан, ўсимликчиликда малакали ҳамда малакасиз мутахассисларга қишлоқ хўжалиги корхонасининг талаб миқдорини тўғрилаш коэффициенти ( $УБТ_к$ )ни аниқлашда қуйидагича ёндашиш тавсия қилинади:

$$УБТ_к = \frac{МММ_{(2016)}}{МММ_{(тт)}} , \quad (2)$$

бу ерда  $МММ_{(2016)}$  – қишлоқ хўжалиги корхонасида 2016 йилда битта малакали мутахассис ҳисобига ишлаб чиқарилган ўсимликчилик маҳсулотлари миқдори, (кг);

$МММ_{(тт)}$  – қишлоқ хўжалиги корхонасида сўнгги қатор йиллар давомида (3 йиллик маълумотлар тавсия қилинади) битта малакали мутахассис ҳисобига етиштирилган ўсимликчилик маҳсулотлари миқдори, (кг).

Шунингдек, чорва молларининг касалликларга кўпроқ берилувчанлиги ва турли паразитларга чидамсизлиги ҳам ўз навбатида малакали мутахассислар назоратини кучайтиришни талаб қилади. Шу боис ҳам, чорвачилик тармоғида

малакали ҳамда малакасиз мутахассисларга қишлоқ хўжалиги корхоналарининг талаби миқдорини тўғрилаш коэффициентини аниқлашда қуйидагича ёндашиш тавсия қилинади ( $ЧБТ_K$ ):

$$ЧБТ_K = (МММ_{(2016)} : МММ_{(ТТТ)}) : 1,5 \quad (3)$$

Бу ерда 1,5 коэффициенти қишлоқ хўжалиги корхонасида насли чорва моллар ҳисобига меҳнат унумдорлигининг ортишини ифодаловчи тўғрилаш коэффициентини уларни парваришлашга сарфланадиган меҳнат харажатларини камайтирувчи коэффициент ҳисобланади.

Шунингдек, тадқиқот ишида қишлоқ хўжалигида малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда хорижий давлатлар тажрибалари таҳлил этилиб, уларнинг аҳамиятли жиҳатларини мамлакатимизда татбиқ этиш имкониятлари бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди. Жумладан:

– талабаларнинг илмий тадқиқотларга кенг жалб этилиши ҳамда уларнинг моддий рағбатлантирилиши, олий таълим тизимида яратилган инновацион маҳсулотларни тижоратлаштиришга ҳамда бу тадқиқотларга талабалар ва магистрантларни кенг жалб этган ҳолда ёшларнинг ҳам илмий, ҳам моддий манфаатларини таъминлашга эътибор қаратиш (Белоруссия тажрибаси);

– қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари иштирокида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига оид янги билимлар ва кўникмаларни тарқатиш (экстеншн сервис) хизматини ташкил этиш орқали тармоқ ривожланиши ва эришилган фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишда ижобий натижаларга эришиш (АҚШ тажрибаси);

– қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш тизимининг аҳамиятли томонлари сифатида олий таълим муассасаларида таълим олиш жараёнини бевосита амалиёт билан мужассам тарзда узвий олиб бориш, таълимнинг иккинчи босқичида талабалар ўзларининг иқтидори ва қизиқишларидан келиб чиқиб ихтисослик йўналишини танлашига эришиш. (Германия тажрибаси);

– фермер хўжаликлари ўлчамларининг кичиклиги турли йўналишдаги кооперация тарзидаги хизмат кўрсатиш тизимларини ривожлантириш ҳамда маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш, хизмат кўрсатиш тармоқлари учун кенг қамровли мутахассислар тайёрлашга урғу бериш (Япония тажрибаси);

– қишлоқ хўжалигида илм-фан ютуқларини, биотехнология ва генетика фани ютуқларини жорий қилишга катта эътибор қаратиш, шунингдек, “устоз-шоғирд тизими” анъаналарини янада кучайтириш (Япония тажрибаси);

– кадрлар тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-тижорий ғоялар ва инновацион технологияларни тижоратлаштиришда давлат хусусий шериклик тамойиллари асосида хусусий субъектлар билан ҳамкорликни кучайтириш (Исроил ва Корея тажрибалари).

Диссертациянинг иккинчи боби **“Қишлоқ хўжалигини олий малакали кадрлар билан таъминлаш даражаси ва таъминоти тизими ривожланишининг ҳозирги ҳолати”** деб номланиб, унда қишлоқ хўжалигини олий маълумотли малакали кадрлар билан таъминлаш тизимининг бугунги ҳолати ва миқдорий ўзгариш тенденциялари, шунингдек, Қашқадарё вилояти қишлоқ

хўжалигини малакали кадрлар билан таъминлашнинг ҳозирги ҳолати ва мавжуд муаммолари таҳлил этилиб, илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Маълумки, аграр соҳа тармоқларини малакали кадрлар билан таъминлашда таълим муассасалари фаолиятининг самарадорлиги муҳим кўрсаткичлардан саналади. Шу нуқтаи назардан, республикада аграр соҳа тармоқларини олий маълумотли кадрлар билан таъминлаш фаолияти билан шуғулланувчи олий таълим муассасалари (ОТМ) сони ва уларнинг 2015-2019 йиллар оралиғида мутахассислар тайёрлаш кўрсаткичларининг таҳлили кўрсатишича, 2019 йилда республикада жами 102 та ОТМлар мавжуд бўлиб, шундан 10 таси ёки 9,8 фоизи бевосита қишлоқ хўжалиги учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш билан шуғулланиб келмоқда. Бу кўрсаткич 2015 йилда 6 та (7,8 %), 2017 йилда 7 та (8,1 %) ва 2018 йилга келиб 9 та (9,5 %)ни ташкил этган. Яъни, сўнгги йилларда уларнинг сони 4 тага ёки 66,6 фоизга ортган (1-жадвал).

**1-жадвал.**

**Республикада олий маълумотли кадрлар тайёрловчи таълим муассасалари сонининг ўзгариш динамикаси<sup>7</sup>**

Кўрсаткичлар	Йиллар:					2019 йилда 2015 йилга нисбатан, % да
	2015	2016	2017	2018	2019	
Республика бўйича жами ОТМлар сони, дона	77	77	86	95	102	132,5
Шундан: қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрловчи ОТМлар сони, дона	6	6	7	9	10	166,6
Жамига нисбатан, %	7,8	7,8	8,1	9,5	9,8	x
Республика бўйича жами тайёрланган олий маълумотли кадрлар сони, минг нафар	66,29	64,13	67,44	70,32	70,79	106,7
Шундан: қишлоқ хўжалиги учун тайёрланган олий маълумотли кадрлар сони, минг нафар	4,76	4,81	5,04	5,51	5,50	115,5
Жамига нисбатан, %	7,18	7,50	7,47	7,84	7,77	x

Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги ОТМлар томонидан 2015 йилда жами тайёрланган 4755 нафар олий маълумотли кадрларнинг 3168 таси деҳқончилик, 356 таси чорвачилик (барча институтларнинг чорвачиликка оид факультетлари битирувчилари инобатга олинган) ҳамда 1348 таси ирригация ва мелиорация тизими мутахассисларидан иборат бўлган, 2019 йилга келиб эса бу кўрсаткич мос равишда 3763 та, 412 та ҳамда 1741 тани ташкил этган (2-жадвал).

Диссертация ишида қишлоқ хўжалигининг сув ресурсларидан фойдаланиш муаммоларига ва уларни ҳал этиш бўйича тегишли малакали мутахассислар билан таъминланиш даражаси таҳлиliga алоҳида эътибор қаратилди.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



**Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги ОТМлар томонидан 2015-2019 йиллар давомида тайёрланган олий маълумотли мутахассис кадрлар сони, нафар<sup>8</sup>**

Кўрсаткичлар	Йиллар:					2019 йилда 2015 йилга нисбатан, % да
	2015	2016	2017	2018	2019	
Тошкент давлат аграр университети (ТДАУ)	1105	1124	1198	1174	1186	107,3
ТДАУ нинг Андижон филиали (2018 йилгача Андижон қишлоқ хўжалиги институти)	958	964	936	1054	1007	105,1
ТДАУ нинг Термиз филиали	-	-	-	-	-	
ТДАУ Нукус филиали	279	286	294	321	325	116,5
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ)	1094	1089	1183	1575	1477	135,0
ТИҚХММИ нинг Бухоро филиали	254	250	268	262	264	103,9
ТИҚХММИ нинг Қарши филиали	-	-	-	-	-	
Самарқанд ветеринария медицинаси институти (СВМИ) (2018 йилгача Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти)	1065	1098	1165	1127	1245	116,9
СВМИ нинг Нукус филиали	-	-	-	-	-	
СВМИ нинг Тошкент филиали	-	-	-	-	-	
Республика бўйича жами	<b>4755</b>	<b>4811</b>	<b>5044</b>	<b>5513</b>	<b>5504</b>	<b>115,8</b>

Чунки, айниқса, деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш самарадорлигини оширишда сув хўжалиги ташкилотларининг олий малакали кадрларга бўлган талабини қондириш долзарб вазифалар сирасига киради. Таҳлиллар кўрсатишича, 2019 йил ҳолатига сув хўжалиги ташкилотларида жами 41137 нафар штат бирлиги мавжуд бўлиб, уларнинг 7011 нафари ёки 17 фоизи олий ҳамда 29717 нафари ёки 72,7 фоизи ўрта махсус маълумотли кадрлар саналади. Демак, амалда фаолият юритаётган кадрларнинг 6343 нафари олий маълумотли ҳамда 18326 нафари ўрта махсус маълумотли кадрлар ҳисобланса, тизимга қўшимча яна 668 нафар олий ҳамда 11391 нафар ўрта махсус маълумотли кадрлар етишмайди.

Жумладан, Қашқадарё вилоятидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарида 2015 йилда жами 4642 нафар олий маълумотли кадрлар фаолият юритган бўлса, уларнинг 96,5 фоизи ёки 448 нафари фермер хўжаликларида, 1,21 фоизи ёки 56 нафари кооператив ва агрофирмаларда ҳамда 2,28 фоизи ёки 106 нафари бошқа хўжалик юритиш шаклларида фаолият юритган.

Бугунги кунда вилоят қишлоқ хўжалигида замонавий, истиқболли хўжалик юритиш шакллари сифатида кластер, агрофирма ва кооперативларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилиши ҳамда фермер хўжаликлари сони ва ер майдонини мақбуллаштириш натижасида мазкур кўрсаткичлар бироз ўзгарган.


<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Яъни, 2019 йилда барча тоифадаги хўжаликларда жами 3609 нафар олий маълумотли кадрлар фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 86,7 фоизи ёки 313 нафари фермер хўжаликлариди, 7,2 фоизи ёки 26 нафари кластерларда, 2,85 фоизи ёки 103 нафари кооператив ва агрофирмаларда ҳамда 3,21 фоизи ёки 116 нафари бошқа хўжалик юритиш шаклларида фаолият юритмоқда.

Тадқиқот давомида вилоятнинг бир нечта туманларида қишлоқ хўжалиги ходимларининг билими, замонавий талабаларга жавоб бериши, қўнимсизлиги каби муаммоларни ўрганиш бўйича ижтимоий сўровномалар ўтказилди. Олий маълумотли кадрларнинг билим даражасини баҳолашда респондентларнинг 32 фоизи замонавий технология ва усуллардан фойдаланишда уларнинг билими етишмайди деб ҳисобласа, 24 фоизи олий маълумотли кадрларнинг билим даражаси амалиётга мос келмайди, деб ҳисоблайди. Амалиёт таълимдан анча олдинда ва бир нечта йўналишларнинг ўзаро уйғунлигидан иборатлиги боис тор доирадаги кадрлар талабга жавоб бермайди, деб ҳисобловчи респондентлар 22 фоизни ҳамда тайёрланаётган кадрлар билим даражаси ўрта, амалиётда ишлаш учун етарли деб ҳисобловчилар эса 14 фоизни ташкил этган.


Маълумки, қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг амалиётга мослашиши, ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини тушуниб олиши узок муддатли тажриба орттиришни талаб қилади. Айниқса, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари учун бу алоҳида аҳамиятга эга ва, шу сабабдан ҳам, сўровнома натижаларига кўра амалиётда кадрлар қўнимсизлиги даражаси юқори бўлиб, бу масалани манфаатдор томонлар турлича талқин қилади (3-расм).

*Кадрлар қўнимсизлиги даражаси юқорилигига иш берувчининг муносабати*



- Одатда кадрлар қисқа муддатли шартнома асосида ишга жойлаштириш истаги билан келади
- Қишлоқ хўжалиги қархоналари кадр учун одатда пиллапоё вазифасини ўтамоқда
- Асосий сабаби бошқа тармоқларда ойлик маошининг юқорилиги
- Тармоқнинг мавсумийлик хусусияти ва иш вақтининг ноаниқлиги малакали кадрларнинг доимий ишлашига салбий таъсир қилмоқда

*Кадрлар қўнимсизлиги даражаси юқорилигига ходимнинг муносабати*



- Олий маълумотли кадрлар учун иш шароити ва ойлик маоши миқдори қаноатлангирмайди
- Олий маълумотли кадрлар учун бошқа тармоқда иш ўринлари мавжуд
- Қишлоқ хўжалигида ходим лавозим вазифалари ва мажбуриятлари доирасида эмас, ҳамма ишда қатнашиши лозим
- Иш берувчи учун олий ёки ўрта-махсус маълумотга эга кадрлар ўртасида фарқ мавжуд эмас

**3-расм. Қишлоқ хўжалигида кадрлар қўнимсизлиги даражаси юқорилигининг сабаблари, фоизда (Сўровнома иштирокчиларининг ўртача кўрсаткичи эътиборга олинган)<sup>9</sup>**

<sup>9</sup> Қашқадарё вилояти Чироқчи туманида ўтказилган сўровномалар натижасида муаллиф томонидан тузилган.

Хусусан, 38 фоиз иш берувчиларнинг фикрига кўра, одатда кадрлар қисқа муддатли шартнома асосида ишга жойлашиш истаги билан келади, 28 фоизи эса бошқа тармоқларда ойлик маошнинг юқорилиги меҳнат бозорида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг жозибадорлигини пасайтирмакда.

Диссертациянинг “**Қишлоқ хўжалиги тармоқлари учун ихтисослашган юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва таъминоти тизими самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари**” деб номланган учинчи бобида аграр соҳада малакали кадрлар тайёрлаш тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва қишлоқ хўжалигида кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишни иқтисодий рағбатлантириш механизмлари, мутахассис кадрлар ўртасида билим ва тажриба алмашиш шакли сифатида аутстаффинг хизматини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимини рақамли иқтисодиёт талабларига мос такомиллаштириш йўналишлари илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилган. Бундан ташқари, Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалигида малакали мутахассис кадрларга бўлган талабнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган прогноз параметрлари ишлаб чиқилган. Жумладан, тадқиқот натижаларига асосан бугунги кунда аграр соҳада олий маълумотли кадрлар ва малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги асосий йўналишлари ва уни амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари асослаб берилди (4-расм).



**4-расм. Аграр соҳада малакали кадрлар тайёрлаш тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари<sup>10</sup>**

<sup>10</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

